

**ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШГА  
ОИД ШАРТНОМА № 50142**

Самарканд шаҳри

«27» октябрь 2022 йил

«SPECSANTEXSTROY» МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Устави асосида иш юритувчи раҳбар: Ш.Саидов номидан, бир томондан ва Самарканд иктисодиёт ва сервис институти, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Устави асосида иш юритувчи ректори М.Э.Пўлатов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи" га Самарканд иктисодиёт ва сервис институти ректорат биноси истиш тизимини жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда – "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш. "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Самарканд иктисодиёт ва сервис институти ректорат биноси истиш тизимини жорий таъмирлаш	58 346 018	57 475 652
	<b>Жами (ҚҚС)</b>	<b>8 751 903</b>	<b>8 621 348</b>
	Жами (ҚҚС билан)	67 097 920	66 097 000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **66 097 000 (Олтмиш олти миллион тўқсон етти минг)** сўмни ташкил этади ҚҚС билан

1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: 2022 й. "27" 10. Тугаши: "06" 11. 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талабқилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:**

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Ишлар"ни бажартш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ  
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **66 097 000 (Олтимиш олти миллион тўксон етти минг)** сўми ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. Мазкур шартномани икки томонлама имзоланган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартномани умумий суммасидан 15% миқдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 85% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 3 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга қирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нуسخага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўликбажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўликбажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилалади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товармахсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «24» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сўнг қонуний кучга кирилади.

#### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«SPECSANTEKSTROY» МЧЖ

Манзил: Самарқанд шаҳар Янгиқургон мах.  
Гумбаз куч. 139 уй  
Банк номи: Самарқанд шаҳар «ГАРАНТ БАНК»  
Тел.: 97 922 20 04  
МФО: 00286  
ИНН: 308 536 125  
ҳ/в. 2020 8000 2053 9599 7001  
ОКОНХ:



Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) № \_\_\_\_\_ берилган санаси: \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Манзил: Самарқанд ш. А.Темур № 9 уй  
Тел./факс 8 (366) 231-12-53  
ИНН: 202009161  
ш/х 400910860184017094100079008  
Марказий банк ХККМ Тошкентш.Б.Б.  
х/р. 23402000300100001010



М.Ў.

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) \_\_\_\_\_  
101-008/40  
29.10.2024.

№ 1 сон илова

№	Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество	Сметная стоимость	
				в базисном уровне	
				на.ед.изм	обўая
1	2	3	4	5	6
<b>Итого по локальному ресурсному расчету, составленному на основе локальной ресурсной ведомости</b>					
<b>Трудовые ресурсы</b>					
1	Затраты труда рабочих-строителей	Чел-Ч	60,4848	18609,72	1125605
<b>Итого по трудовым ресурсам:</b>		<b>Сум</b>			<b>1125605</b>
<b>Строительные машины и механизмы</b>					
1	Агрегаты для сварки полиэтиленовых труб	Маш-ч	0,2668	10891	2906
2	Краны на автомобильном ходу при работе на других видах строительства 10 Т	Маш-ч	0,2006	127627	25602
3	Установки для сварки ручной дуговой (постоянного тока)	Маш-ч	2,08	4656	9684
4	Автомобили бортовые грузоподъемностью до 5 Т	Маш-ч	0,1244	54548	6786
<b>Итого по строительным машинам</b>		<b>Сум</b>			<b>44978</b>
<b>Материальные ресурсы</b>					
1	Анкерные детали из прямых или гнутых стержней с резьбой комплекте с шайбами и гайками или без них). поставляемые отдельно	Т	0,0088	7230917	63632
2	Вода	М3	0,0094	950	9
3	Раствор готовый кладочный тяжелый цементный, марка:50	М3	0,056	295154	16529
4	Дюбели с калиброванной головкой (в обоймах) 3X58,5мм	Т	0,000017	18500000	315
5	Известь строительная негашеная хлорная марки а	КГ	0,000032	500	0
6	Клей 88-са	КГ	0,005	45000	225
7	Метиленхлорид	КГ	0,005	3200	16
8	Электроды диаметром 5мм Э42А	Т	0,00156	14900000	23244
9	Патроны для строитель-монтажного пистолета	1000шт	0,002	75000	150
10	Прокладки резиновые (пластина техническая прессованная)	КГ	0,28	35600	9968
11	Фланцы стальные по проекту	ШТ	8	4500	36000

12	Болты с гайками и шайбами для санитарно-технических работ, диаметром 12мм	Т	0,00508	14000000	71120
13	Наконечники	КГ	0,011	15000	165
14	АКФИХ НТ300 силикон высокотемпературный (красный)	ШТ	2	60500	121000
15	Полигэк PPR муфта D-20мм	ШТ	4	3300	13200
16	PIL-SA PPR UNION M metal TH WT ракор метал с нар резьб D-20X1/2"	ШТ	1	88000	88000
17	KAS кран для радиатора углобратка 1/2	ШТ	2	66000	132000
18	KAS кран для радиатора угл подача 1/2	ШТ	2	66000	132000
19	Ниппель переходник нар/нар резьба S 3/4X 1/2	ШТ	1	14300	14300
20	Политек PPR PN25 Труба композит D-20мм	М	2	17600	35200
21	Политек PPR переходник D-25X20мм	ШТ	2	3300	6600
22	Политек PPR Отвод 90 D-20мм	ШТ	4	3300	13200
	<b>ИТОГ</b>	<b>СУМ</b>			<b>776 872</b>
	<b>Транспортные расходы материальные ресурсы</b>	<b>СУМ</b>			<b>38 844</b>
	<b>Итого по строительным материалам</b>	<b>СУМ</b>			<b>815 716</b>
	<b>Прочие внересурсые затраты</b>				
1	Сервис котёл и профилактика и балансировка система отопления	ШТ	4	1250000	5000000
2	GRUNDFOS UPS 32-100 180 Циркуляционный насос	ШТ	4	12532409	50129636
	<b>ИТОГО прочие внересурсные затраты:</b>	<b>СУМ</b>			<b>55 129 636</b>
	<b>ИТОГО прямые затраты</b>	<b>СУМ</b>			<b>57 115 935</b>
	<b>Прочие затраты подрядчика 18,11%</b>	<b>СУМ</b>			<b>359 717</b>
	<b>ИТОГО</b>	<b>СУМ</b>			<b>57 475 652</b>
	<b>НДС -15 %</b>	<b>СУМ</b>			<b>8 621 348</b>
	<b>ИТОГО С НДС</b>	<b>СУМ</b>			<b>66 097 000</b>

• Шартноманинг умумий 66 097 000 (Олтмиш олти миллион тўксон етти минг) сўмни ташкел этади.

«Ижрочи»  
«SPECSANTEXSTROY» МЧЖ

«Буюртмачи»  
Самарканд иқтисодийот ва сервис институти

  
Ш.Саидов  
(ИМЗО)



  
М.О.Пўлатов  
(ИМЗО)



М.У.





Институт учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овкат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни ҳамда қурилиш ишларини харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

### БАЁНИ № 17

2022 йил «27» октябрь

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи

Ишлар бошқармаси бошлиғи

Иштирок этдилар

Н.Э.Ибадуллаев

Х.Шакаров

Б.А.Сулайманов

А.Ходжаев

И.Неъматов

Б.Байманов

### КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ректорат биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил 11 октябрда etender.uzex.uz сайтининг электрон савдо порталига жойлаштирилган № 22110012162392 Эълон бўйича «SPECSANTEXSTROY» МЧЖ, «BUNYODKOR KOMPLEKS-BETON» МЧЖ, «JM BUSINESS GROUP-2022» МЧЖ, «SAM-BUSEFFAL» МЧЖлар томонидан танлов (тендер)га катнашиш учун etender.uzex.uz платформасига ўз таклифларини жойлаштирган.

Комиссия томонидан электрон тартибда имзоланган баённомага асосан «SPECSANTEXSTROY» МЧЖ ғолиб деб топилган.

Баённома натижалари бўйича комиссияга 2 кун мобайнида қатнашувчилар ва бошқа кузатувчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганини маълум қиламиз. Шу муносабат билан танловда ғолиб топилган «SPECSANTEXSTROY» МЧЖ билан шартнома имзоланишига ҳеч қандай эътирозлар йўқ.

Комиссия раиси

Н.Э.Ибадуллаев

Аъзолари

Х.Шакаров

Б.А.Сулайманов

А.Х.Ходжаев

И.Неъматов

Б.Байманов